

Тошкент Оқшоми

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 148 (11.709)

Баҳоси эркин нарҳда



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



СОБИР РАҲИМОВ ТУМАНИ: ЯРАТУВЧАНЛИК САРИ

сулот ишлаб чиқарилиб, Иқтисодий ўсиш таъминлашида кичик ва хусусий бизнеснинг улуши 67 фоизни ташкил этди. 3623 та ушбу йўналишдаги субъектлар томонидан 89,2 миллиард сўмга тенг маҳсулот ишлаб чиқарилиб, хизматлар

томонидан касб-хунар коллежлари битирувчилари учун 841 та захира иш ўрни ажратилди. «Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг ижроси бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда. Ёш авлодни жисмонан соғлом, маънан етук этиб тарбиялаш, болалар спортини ривожлантириш, ёшларни спортга мунтазам жалб этган ҳолда бўш вақтини мазмунли ташкил этиш йўлида саъй-ҳаракатлар кўламини кенг. Тумандаги обод кўчалар, кенг, раво йўллар, кўкка бўй чўзган муҳташам қошоналар, замонавий русумда қад ростлаган таълим муассасалари, корхона ва ташкилотлар, шубҳасиз, барчанинг ҳавасини орттиради. Албатта, бунда яратувчанлик сари илдам қадам ташлаётган туман аҳолисининг ўрни алоҳидадир.

(Собир Раҳимов туманига бағишланган материаллар билан газетанинг 2-саҳифасида танишасиз).

Юртимизда энг азиз ва улуг байрам — Мустақиллигимизнинг 19 йиллигини муносиб кутиб олиш учун қизгин тайёргарлик кетмоқда. Ҳар бир гўшада олиб борилаётган бунёдкорлик ишларидан кўнглил фахру ифтихорга тўлади.

Пойтахтимизнинг энг кўркем туманларидан бири Собир Раҳимов туманида ҳам ишлар «тўйга тўёна» нақлига амал қилинган ҳолда қизгин олиб борилаётган. Туманда 309 минг турли миллат аҳолиси юрт равнақи, ободлиги йўлида тинчлик-тотувликда яшаб меҳнат қилмоқда. Утган ярим йил ичида туманда 133,1 миллиард сўмлик sanoat маҳ-

сулотлари ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати 139,2 фоизни ташкил этди. Истеъмол моллари ҳажми 42,4 фоизга кўп таъминланди. Хорижий инвестиция иштирокидаги «Лугас текстиль» ва «Колор флекс» корхоналарининг ҳиссаси салмоқли бўлди. Маҳаллийлаштириш худудий дастурига 16 та корхона 34 та лойиҳа билан киритилган бўлиб, ярим йил бўйича 60,3 миллиард сўмлик маҳ-

кўрсатилди. Аҳоли бандлигини таъминлаш борасида 3325 иш ўрни яратилди. Жумладан, кичик корхоналар, микрофирмалар ҳисобидан 737 та, янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, мавжудларини кенгайтириш ҳисобидан - 312 та, касаначилик тизими доирасида 100 киши оиласи шароитида иш билан таъминланди. Шунингдек, корхона ва ташкилотлар

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

29-30 июль кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Депутатлар Қонунчилик палатасининг Кенгаши томонидан тақлиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

улар фаолиятининг асосий вазифалари, принциплари ва йўналишларини, вояга етмаганлар ва уларнинг оилалари билан яқка тартибдаги профилактика ишларини ташкил этиш асослари ҳамда тартибини, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганларнинг ҳуқуқий мақоми, уларни ижтимоий-ҳуқуқий ва педагогик реабилитация қилиш тартибини белгилайди. Қонун лойиҳасини кўриб чиқиш жараёнида депутатлар вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг профилактикаси масалаларини аниқ тартибга солиш, болаларни ҳимоя қилишнинг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш, ота-оналар ва вазийлик органларининг масъулиятини ошириш муҳим эканлигини таъкидладилар. Муҳокама чоғида Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари ёш авлоднинг экологик таълими ва тарбияси муҳим эканлигини ҳам таъкидлаб ўтдилар.

Барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари томонидан билдирилган фикр-мулоҳазаларни эшитиб ва муҳокама қилиб, Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилди. Масъул кўмитага қабул қилинган тузатишларни инобатга олган ҳолда қонун лойиҳасини маромига етказиш ва учинчи ўқишда кўриб чиқиш учун киритиш топширилди. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»-ги қонун лойиҳаси гаровга оид муносабатлар субъектларининг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашга қаратилган. Бу ҳақда Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси раиси Н.Исмоилов маъруза қилди. Қонун лойиҳасининг мақсади гаровга оид ҳуқуқий муносабатларда кредитдорларнинг манфаатларини ҳимоя қилишни назарда тутувчи ҳуқуқий нормаларни мустаҳкамлашдан, шунингдек, қонун ҳужжатларининг айрим норма-

рини ўзаро мувофиқлаштиришдан иборат. Қонун лойиҳасида «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»-ги Қонуннинг айрим нормаларини «Ипотека тўғрисида»-ги Қонунга мувофиқлаштириш бўйича қоидалар, шунингдек, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ва «Ипотека тўғрисида»-ги Қонунга ўзгаришлар киритиш тақлиф этилган. Қонун лойиҳасини модда-модда муҳокама қилиш пайтида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракциясининг вакиллари гаров аҳоли ва юридик шахсларнинг бўш турган пул маблағларини сарфбар қилиш ҳамда уларни кредитлашга муҳтож бўлган субъектлар ўртасида жойлаштириш вазифасини бажарувчи молия-кредит тизимининг ривожланиши ва муваффақиятли фаолият кўрсатиши

учун алоҳида аҳамиятга молик эканлигига эътиборни қаратдилар. Бу ўринда гаровга олувчининг ҳуқуқлари кафолатланиши гаровга оид муносабатларни ривожлантиришга ва тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга кўмаклашиши кераклиги таъкидлаб ўтилди.

Қонунчилик палатаси муҳокама чоғида киритилган тақлифларни инобатга олган ҳолда Қонунни қабул қилди. Қонун парламентнинг юқори палатасига юборилди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси аъзоси М.Усмонов Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 5 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида нотариат институтини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида»-ги Қонун асосида ишлаб чиқилган «Адлия органлари ва муассасалари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»-ги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Қонун лойиҳасида «Нотариат тўғрисида»-ги, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»-ги қонунларга, Фуқаролик, Фуқаролик-процессуал, Оила, Солиқ кодексларига, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга, мамлакатимизнинг бошқа норматив ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тақлиф этилган.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида кенгайтирилган ҳай'ат мажлиси бўлиб ўтди. Унда прокуратура органларининг мамлакатда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги 2010 йилнинг биринчи ярмидаги фаолияти яқунлари муҳокама қилинди.

● Тошкент вилояти Ўртачирчиқ тумани Маънавият ва маърифат марказида энг улуг, энг азиз байрамимизнинг 19 йиллиги олдидан «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» мавзуида тадбир ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Маънавият тарғибот маркази ҳамда Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳалла фаоллари, касб-хунар коллежлари ўқувчилари иштирок этди.

● Энг улуг, энг азиз айём — Мустақиллик байрами тобора яқинлашаётган шу кунларда Жиззах вилояти Бахмал тумани Узунбулоқ қишлоқ фуқаролар йиғинидаги 54-мактабнинг янги биноси фойдаланишга топширилди. Узунбулоқ, Янгиобод, Шўрбулоқ қишлоқлари ўқувчи-ёшлари таълим оладиган ушбу 216 ўринли замонавий мактабда ёруғ, шинам синф хоналари, фан кабинетлари билан бирга компьютер хонаси, физика, кимё лабораториялари, ахборот-ресурс маркази ва спорт зали ҳам барпо этилди.

● Самарқандда «Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» республика кўриктанловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

● «Маҳалла» жамғармаси Сирдарё вилоят бўлими бошқаруви ташаббуси билан Боёвут туманининг Дўстлик қишлоқ фуқаролар йиғинидаги «Дўстлик» маҳалласида «Диний экстремизм ва одам савдоси: муаммо, тажриба ва оқибатлар» мавзуида амалий семинар бўлиб ўтди.

● Қарши шаҳрида шаҳар ҳокимлиги, прокуратураси, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ЁИХ ҳамда Бандликка кўмаклашувчи ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамкорлигида бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди. Ярмарка давомида мурожаат қилган 380 нафар фуқаронинг 202 нафари ишга жойлаштирилди. Уларнинг аксарияти шу йили академик лицей ва коллежларни битирган ёшлардир.

ЖАҲОНДА

● 2008 йил май ойида қабул қилинган, 108 та мамлакат томонидан имзоланган кассетали кулол-яроғларни ман этиш тўғрисидаги халқаро конвенция кучга кирди. Кеча ўзининг чиқишида Рим папаси Бенедикт XVI ҳам ушбу муҳим ҳужжатни қўллаб-қувватлади.

● Грецияда бензин ташувчи машиналар ҳайдовчиларининг олти кунлик иш ташлашларидан сўнг мазкур соҳада меҳнат фаолияти яна давом эта бошлади.

● Покистоннинг шимолий-ғарбий қисмида рўй бераётган кучли сув тошқинлари 1100 кишининг ҳаётига зомин бўлди. Кейинги саксон йил ичидаги энг йирик сув тошқинлари давомида 14,5 мингта уйлар вайрон бўлди, 1 миллиондан ортқ аҳоли жабрланди. Сув тошқинлари талафотларини бартараф этиш мақсадида БМТ томонидан 10 миллион доллар, Еврокомиссия тарафидан эса 30 миллион евро миқдоридаги маблағ ажратилди.

● Воронежда тўрт кундан буён давом этаётган кучли ўрмон ёнғинлари натижасида ўрмонга ёндошган Масловка посёлкаси бутунлай куйиб қулга айланди, беш киши ҳалок бўлди.

● ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон меросига кирувчи ноёб иншоотлар рўйхати яна 15 тага кўпайди. ЮНЕСКОнинг Бразилияда ўтказилган йиғилишида Германия, Голландия, Бразилия, Франция, Хитой каби мамлакатлардаги ноёб қурилмалар ушбу рўйхатдан ўрин эгаллади.

● Калифорниялик икки аёл лотереядан 64 миллион доллар ютиб олишди. Улар биргаликда тамак дўконидан битта чипта харид қилишганди. Лотерея фирмаси вакилининг маълум қилишича, аёллар солиқлар чегири ташланганидан кейинги қиймат — 40,7 миллион долларни бирийўла нақд пулга олишди. Улар ўз ишларини давом эттириш ва пулларни асосан қариндош-уруғларига ёрдам учун ишла-тишни ният қилишган.

ҚИСҚА САТРАДАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ **ЧИЛОНЗОР** туманида фаоллар, ёшлар иштирокида Ўзбекистон экологик ҳаракати ва унинг шаҳар бўлими ҳамкорлигида «Обод маҳалла — шаҳримиз кўрки» шiori остида тадбир уюштирилди.

✓ **«КАМОЛОТ»** ЁИХ Юнусобод туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан фаол ёшлар жисмоний имконияти чекланганлар, ёлғиз қариялар хонадонларида бўлиб, уй-рўзгор юмушларида кўмак беришди.

✓ **«ЁШЛИК»** спорт мажмуасида яккакурашнинг пинчак силат тури бўйича мамлакат биринчилиги ўтказилди.

СОБИР РАҲИМОВ ТУМАНИ: ЯРАТУВЧАНЛИК САРИ



Ватан ичра кичик бир Ватан, қадриятларимиз кўзгуси бўлган маҳалла одамларни иймон-эътиқодли, меҳр-оқибатли, дўсту биродар этиб тарбиялашда катта кучга эга. Маҳалла яхшини бағрига олиб, элга танитадиган, йўлдан адашганни тарбиялаб, ота-онадек меҳр кўрсатадиган маскан.

Айтиб ўтиш жоизки, муштараклиги туйғулган маҳалла тизимининг янги қирралари, имкониятлари очилиб, кенг ривожланиб бораётганига барчамиз гувоҳимиз. Маҳаллаларимизда аҳолига қулайлик яратиш мақсадида фаолият кўрсатган қатор маънавий-маъданӣ шохобчалари, савдо русталари, ўқув марказларида ҳаёт қайнаётди, десак, асло мулоқот бўлмади.

гул ва буталар, яшилликнинг барқ уриб туриши беихтиёр кишини ўзига ром этади.

— Боғимизда 200 нафар болажонларнинг ўйнаб-кулиши учун имконият бор, — дейди «Кичкирик» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Саломат Абдуллаева. — Бу

лава, сардор Аббос Баҳромов бошчилигидаги 11 нафар посбон фидойилик билан ишга ёндошган ҳолда фаолият кўрсатиб келишмоқда.

Маҳаллада тўртта ўй-жой мулкдорлари ширкати бўлиб, уларнинг фаоллари ўз вазифасини аҳоли билан ўзаро келишган ҳолда олиб бормоқда. Бу борада айниқса «Аббос обод коммуналчи» ширкати «излаган имкон топади» деган нақлга яраша иш олиб бормоқда.


— Тасарруфимизда битта 22 қаватли уй бўлиб, унда 72 та хонадон аҳли истиқомат қилади, — дейди ширкат раиси Аббос Баҳромов. — Бир йил давомида бутун атрофини ободонлаштириш, туман ҳокимлиги кўмағида том, ертўла ва йўлакларни капитал таъмирдан чиқардик. Бугун хонадон эгалари мулкдор сифатида ўз зиммасидаги вазифасини англаган ҳолда тўловларни вақтида тўлашга ҳаракат қилмоқда. Жорий йил давомида оқва суви қувурларини тўлиқ алмаштириш кўзда тутилган. Ҳали қиладиган бошқа ишларимиз ҳам бор, тинчлик-тотувликда уларни аста-секин амалга ошираемиз.

Биргина «Кичкирик» маҳалласида қозғ қоралашга лойиқ бўлган бир қатор намунали ишларга эътибор бердик, холос. Истардикки, барча маҳаллаларимизда ишлар мана шундай «қайнаса». Обод ва ораста масканлар қаторида ўрин олишга ҳаракат қилинса, мақсадга ҳам, эзгу ниятга ҳам албатта эришамиз.

Маҳалланг — ота-онанг ҲАРАКАТ БОР ЖОЙДА БАРАКА БЎЛАДИ

масканни ҳашар йўли билан ҳимматли тадбиркор Илҳом Саъдуллаев ташаббуси остида бунёд этидик. Келажакда катталар учун ҳам шароитлар яратиш кўзда тутилган. Боғ нафақат кичкинтойларга, балки катталарга ҳам маъқул бўлаётди. Ота-оналар бўш вақтини асосан шу ерда ўтказишга ҳаракат қилмоқда.

Маҳаллада 1580 та оила тинчлик-тотувликда умргузадорлик қилиб келмоқда. Аҳоли турмуш даражасининг фаровонлиги, оилалардаги ахиллик-ҳамжиҳатлик, ёшларнинг таълим-тарбияси йўлида хотин-қизлар комиссияси раиси Манзура Тўлаганова, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Фарида Абдул-



Ёш авлод таълим-тарбияси, касб-ҳунар эгаллаши, вояга етмаганларга алоҳида эътибор, имконияти чекланган болаларни ўқитиш ва тарбиялаш учун шарт-шароитларни яратиш борасида туманда мақсадли ишлар олиб борилмоқда.

Таълим ПУХТА БИЛИМ МАҚСАДГА ЕТАКЛАЙДИ

— Халқ таълими бўлими тасарруфидидаги 32 та мактабда 39 мингдан зиёд ўқувчи билим олмақда, — дейди ижтимоий-иқтисодий мажмуа бош мутахассиси Ҳожимурод Ҳайдаров. — Бундан ташқари, ёш авлод камолоти йўлида учта олий ўқув юрти, сақизта касб-ҳунар коллежи ва олтига академик лицей, 55 та мактабгача таълим муассасаси, учта махсус мактаб, иккита мурувват ва Меҳрибонлик уйи мавжуд. Таълим муассасаларининг моддий-техник негизини мустаҳкамлаш, замонавий компьютерлар, ўқув жиҳозлари билан таъминлаш бўйича ҳам режалар ишлар олиб борилмоқда.

Баркамол авлод йилида 52, 190, 464, 509, 535-мактабгача таълим муассасалари, 254-мактаб-боғча мажмуаси, 1, 119, 165, 15-мактаблар, 36-махсус мактаб ва ўқувчилар ижодиёт марказида капитал ва жорий таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Бу дегани болажонлар ва ўсмирларимиз янги ўқув йилини ёруғ, озода ва шинам таълим масканларида бошлайди. Тошкент Молия институти қошидаги 2-академик лицей янгитдан барпо этилиб, 450 ўқувчини бағрига олади. Ҳозирда ушбу бинода «Улкан қурилиш махсус сервис» компанияси томонидан қурилиш ишлари давом этмоқда.

Шу кунларда 191-мактабда ҳам қурувчилар қаторида мактаб директори ва ўқитувчилар қизгин меҳнат билан банд бўлаётди. Кимдир ойна артаётган, бошқалар тозалаш ва деворга ранг бериш билан банд.

— Янги ўқув йилига тайёргарлик, албатта, — деди мактаб директори Нигора Аҳмедова. — Таъмирлаш ишлари тугатилиши билан тозалаш, ободонлаштириш юмушларига киришдик. Мактабимизда 1490 нафар ўқувчи таълим-тарбия олади. Ёшларнинг замонавий билим олиши, спорт билан шуғулланиб, соғлом бўлиши учун барча шарт-шароитлар мўжассам. Уларга 52 нафар ўқитувчи сабоқ беради. Ракс, бисер тўқиш, баскетбол, миллий кураш, теннис, футбол, шунингдек экология тўғрисидаги болажонлар ихтиёрида. «Ватанпарвар» ташкилоти томонидан 15 йилдан бери авиамоделлизм тўғрисида фаолият йўлга қўйилган бўлиб, ўқувчилар туман ва шаҳар кўчасидаги муСОБАКАларда қатнашиб келмоқда. «Мактаб-маҳалла-оила» концепциясига асосланган ҳолда «Бўстон», «Истиқлол» маҳаллалари фаоллари ва ота-оналар билан яқин ҳамкорлик ўрнатилган. Янги ўқув йилида эса мактабимиз замонага ҳамоханг чирой очади.

Болалар спорти «НАМУНА»ГА МАРҲАМАТ

Кейинги йилларда ёш авлодни жисмонан соғлом этиб тарбиялаш, ёшларни, айниқса қизларни спорт билан шуғулланишга жалб этиш, янги спорт мажмуалари, стадионлар ва иншоотларни қуриб, замонавий анжомлар билан жиҳозлаш, шунингдек малакали мураббийларни бириктириш борасида кўп хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Собир Раҳимов туманида ҳам бу борада талай ишлар қилинган. Жумладан, «Истиқлол» ва «Намуна» спорт мажмуалари, «Гули-чимбой» ва «Сағбон» сузиш ҳавзалари, «Мусаффо булоқ» 23-ҳафта 10-болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари мактаби, 16-спорт мактаби, бундан ташқари, ҳудудда жойлашган Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат техника университети, Тошкент Молия институти қошидаги спорт мажмуалари, «Ёшлик» талабалар шахарчаси-

даги сув спорти саройи мунтазам фаолият кўрсатиб келади. — Айни пайтда учта сузиш ҳавзасида тубдан таъмирлаш ишлари кетмоқда, — дейди Болалар спорти ривожлантириш жамғармаси туман бўлими мутахассиси Рустам Камалов. — Жамғарманинг шаҳар филиали ҳисобидан 1,2 миллиард сўм ажратилган. Туман бўйича ҳозирда 39 мингдан зиёд ўқувчидан 23 мингга яқини спортнинг турли йўналишлари бўйича мунтазам шуғулланмоқда, шундан 11 мингдан кўпини қиз-

лар ташкил қилади. Биргина 2005 йилда очилган «Намуна» спорт мажмуасида 520 нафар ўғил-қизлар шуғулланади. Футбол, кикбоксинг, волейбол, шахмат-шашка, каратэ, стол тенниси, мини-футбол ва жисмоний тайёргарлик гуруҳларида уларга машғулотларни Юрий Господарчук, Абдуғани Абдурахимов каби Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббийлар ўтказдилар.

Бу ердаги маълумотларга кўз ташлаб, ҳаракатга яраша натижадан ҳам ёмон эмаслигини кўрдик. Хусусан, «Намуна» футбол жамоаси икки йилдан бери «Пахтакор-79» хотира турнири ғолиби, Ўзбекистон Болалар спорти ривожлантириш жамғармаси шаҳар филиали томонидан ўтказилган футбол лигаси турнирининг икки қарра чемпиони. Кикбоксинг бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган республика ва жаҳон чемпионатларида 11 та ёш спортчи чемпионлик унвонига эга бўлган.

Мамлакатимизда спортга берилаётган эътибор боис ёшларимизнинг катта-катта майдонларда ҳам кўлга киритаётган ютуқлари йилдан йилга салмоқли бўлиб бормоқда. Оммавий спортни ривожлантириш қаторида, албатта мақсад шундай чемпионларни ҳам тарбиялашдир. Шу бўха йўқки, бугунги сайй-ҳаракатлар эртага ўз самарасини беради, фарзандларимиз жаҳоннинг энг нуфузли майдонларида Ўзбекистонимиз байроғини баланд кўтаради.

Саҳифа материалларини Шоира МУҲАММЕДОВА тайёрлади. Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Савол-жавоблардан кейин ҳужжат батафсил муҳокама қилинди. Моддама-модда кўриб чиқиш пайтида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси вакиллари қонун лойиҳаси жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш лозим бўлган нотариат институтини мустаҳкамлашга, аҳолига малакали юридик ёрдам кўрсатишга қаратилганлигини таъкидлаб ўтдилар. Шу муносабат билан нотариусларнинг малака талабларига, ўз вазифаларини бажаришлари вақтида улар масъулиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни шу боис нотариат тизимининг пухта ташкил этилиши бу соҳада қонунийликнинг барқарорлигига эришишга кўмаклашадди. Муҳокама чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилди.

Депутатлар кўриб чиқиши учун Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда киритилди. Мазкур ҳужжат суд-ҳуқуқ ислохотини бундан бун ҳам давом эттиришга ва жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларини либераллаштиришга қаратилган. Унда фуқароларни амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жиний жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш механизмининг янада такомиллаштириш назарда тутилган. Қонун лойиҳасининг муҳокамаси чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг вакиллари сўзга чиқдилар. Таъкидландики, жиноят ва жиноят-процессуал қонун ҳужжатларига киритилаётган ўзгартишлар амалда пушаймон бўлганлиги учун жиний жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш институти нормаларини амалда тўғри ва бир ҳилда қўллашга қаратилган. Қонунчилик палатаси депутатлар томонидан киритилган тақлифларни инобатга олган ҳолда қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилди.

Қонунчилик палатаси депутатлари кўриб чиқиши учун тақдим этилган қонун лойиҳаларининг бир қисми иқтисодий соҳада амалга оширилаётган ўзгаришларнинг ишончли ҳуқуқий базасини яратишга, иқтисодий ислохотларни бундан бун ҳам амалга оширишга қаратилган.

Чунонки, Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси аъзоси Ш.Тешаевнинг маърузаси бўйича Қонунчилик палатаси «Давлат солиқ хизмати органлари тизими янада модернизация қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқди. Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 8 январда қабул қилинган «Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган. Қонун лойиҳасида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал, Солиқ кодексларининг, «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг қаролатлари тўғрисида»ги, «Хўжалик юртувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги қонунларнинг айрим моддаларига тузатишлар киритиш назарда тутилган.

Қонун лойиҳасини моддама-модда муҳокама қилиш жараёнида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари сўзга чиқдилар. Улар таъкидлаб ўтдиларки, мамлакатимизнинг айрим қонунларида автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида тартиб ўрнатиш, ихара ҳақи тушуви, назорат-касса машиналаридан, ҳисоб-китоб терминалларидадан фойдаланиш, бозорлар, савдо комплекслари ва уларга туташ ҳудудларда савдо ҳамда хизматлар кўрсатиш қоидаларига риоя этиш устидан назорат қилиниши йўлга қўйиш мақсадида ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Қонунчилик палатаси муҳокама жараёнида киритилган тақлифларни ҳисобга олган ҳолда Қонунни қабул қилди. Қонун Олий Мажлис Сенатига юборилди.

Депутатлар Б.Иминов, С.Отамуродов, Ш.Тешаев, А.Жумаевнинг қонунчилик ташаббуси тартибда киритилган «Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 113-моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди. Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси аъзоси Ш.Тешаев маъруза қилди. Қонун лойиҳасининг ташаббускорлари томонидан амалдаги қонун ҳужжатларининг нормаларини бир ҳилда қўллаш, айрим нормалар ўртасидаги тафовусларни бартафоз этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 113-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тақлиф этилди. Айни бир вақтда Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси вакиллари бўлган депутатлар қонун лойиҳасининг концепциясини, шунингдек, «Ўғил» мавжуд бўлган муаммоларни ҳал этишга бўлган ёндашувга нисбатан шубҳа билдирдилар. Хусусан, қонун лойиҳаси ташаббускорларнинг мақсади етарли даражада асослаб кўрсатилмаган, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари ўртага қўйилган саволларга берилган жавоблардан ва келтирилган далиллардан қониқиб ҳосил қилмадилар. Фракция аъзоларининг фикрига кўра, Божхона кодексининг тегишли моддаларига тақлиф этилаётган ўзгартишлар муваффақиятли чиқмаган ва амалдаги нормаларнинг қарама-қаршичилиги оқиб келиши мумкин. Кескин ва узоқ давом этган мунозаралар кейин қонун лойиҳаси овозга қўйилди. Унинг қулларига кўра, қонун лойиҳаси Қонунчилик палатаси томонидан рад этилиб, Қонунчилик ташаббуси субъектларига қайтарилди.

Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун биринчи ўқишда киритилган «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар ва ўзгартиш киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси фуқароларнинг ижтимоий соҳадаги қаролатланган манфаатларини таъминлашга қаратилган. Бу ҳақда депутатларга Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси Қ.Эргашев маълумот берди. Қонун лойиҳасида иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик ҳақидаги қонунчилик нормаларини жорий этиш назарда тутилган. Булиб ўтган муҳокама чоғида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг аъзолари алоҳида таъкидладиларки, ушбу қонуннинг қабул қилиниши жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган талабларнинг иш берувчилар томонидан бажарилиши устидан назоратни таъминлаш учун норматив-ҳуқуқий базани вуқудга келтиради. Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқуллади ва уни биринчи ўқишда қабул қилди.

Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси Х.Каримова тақдим этган «Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқди. Муҳокама чоғида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Қонунчилик палатаси депутатлар гуруҳининг вакиллари иштирок этдилар. Ушбу қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикасида ахборот-кутубхона соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни таъминлаш ва ривожлантириш, фуқароларнинг ахборотдан эркин фойдаланиш ҳуқуқлари қаролатларини таъминлаш мақсадини қўлайди. Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси аъзолари таъкидлаб ўтдиларки, ушбу қонун лойиҳасининг концепциясини партиянинг дастурий қоидаларидан келиб чиққан ва электрорат манфаатларига мос келади. Мазкур ҳужжатни рўёбга чиқариш аҳолининг интеллектуал, маънавий-ахлоқий, маданий, таълим олишга бўлган эҳтиёжларини қаноатлантиришга ҳамда фойдаланувчиларни ахборот билан таъминлаш учун шарт-шароит яратишга, миллий анъаналарни тиклаш ва ривожлантиришга, тарихий-маданий меросни асрашга кўмаклашадди. Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати

Абдулла Авлоний номли халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида таълим сифатининг баркамол авлод камолотидаги ўрнига бағишланган республика ўқув-семинари бўлиб ўтди.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил этилган семинарга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва пойтахтимиздаги умумий ўрта таълим мактабларининг илгор ўқувчилари, услубчилар, педагогика соҳасида изланиш олиб бораётган тадқиқотчилар таклиф этилди.

Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Б.Дониёров, Республика таълим маркази раҳбари И.Зокиров Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида таълим соҳасида изчиллик билан амалга ошириладиган ислохотлар ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, ўғил-қизларни ҳеч қимдан кам бўлмаган инсонлар этиб вояга етказиш, уларнинг маънавиятини юксалтириш, истеъдоди ва қобилиятини тўла намоён этиш имконини бераётганини таъкидлади.

«Таълим тўғрисида»ги, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ соҳада олиб борилаётган кенг қўламли чора-тадбирлар самараси ўлароқ, ҳажон андозалари даражасидаги билим

масканлари барпо этилиб, замонавий ўқув, лаборатория, компьютер жиҳозлари билан

ник базасини мустаҳкамлаш, улардан оқилона ва самарали фойдаланишни таъ-

2010 йил — Баркамол авлод йили

СИФАТ ВА МАЗМУН — МУКАММАЛЛИК МЕЗОНИ

таъминланаётир, педагогларнинг меҳнатини эъзозлаш, ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бу жараёнда таълим сифати ва мазмунини янада такомиллаштириш, бойитиш, уни юқсак поғонага олиб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан мактабгача, умумий ўрта таълим, мактабдан ташқари таълим, болалар мусика ва санъат, спорт мактаблари, махсус мактаб-интернатлар, Бадий ижодиёт марказларининг моддий-тех-

минлаш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Таълим сифати, энг аввало, умумтаълим фанларининг қай тарзда ўқитилишига, уларнинг болалар ёши, психологик, физиологик ҳолати, дунёқарашига нечоғли мослигига, ўқитувчининг билими, тажрибаси, ўз ишига ижодий ёндашувига бевосита боғлиқдир. Шу боис 2010/2011 ўқув йилидан бошлаб давлат таълим стандартларини янада такомиллаштириш, ўқув дастурлари ва режаларини мақбуллаштириш, ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, ижтимоий-гуманитар, аниқ ва эстетик фан-

ларнинг узвийлиги, узлуксизлиги, изчиллигини таъминлаш, ўқувчилар билимининг баҳолашнинг мукаммал тизимини яратиш юзасидан кенг қўламли ишлар бажарилди.

Айни пайтда педагогларнинг ўқув иш юк-ламаларини белгилаш ва тақсимлаш тартиби сезиларли даражада энгиллаштирилгани, «Устоз-шогирд» маърифий лойиҳасининг кенг татбиқ этилаётгани педагог кадрларнинг ўз устида ишлаши, изланиши, таълим жараёнига замонавий ва самарали ўқитиш технологияларини жорий этиш, илгор иш тажрибасини кенг оммалаштириш, тарғиб ва ташвиқ этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Икки кун давом этган семинарда умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимнинг узвийлаштирилган давлат таълим стандартлари шарҳлари, ўқув дастурлари, инновацион технологияларнинг мазмун-моҳияти ва уларни ўқув жараёнига татбиқ этиш, мактабгача, умумий ўрта, мактабдан ташқари таълим муассасаларига методик хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш, ўқув-тарбиявий жараёнда ахборот-коммуникация, мультимедиа воситаларини ва электрон дарсликларни янада кенгроқ қўллаш каби мавзўлар атрофида муҳокама этилиб, амалий чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири

ХАЙРЛИ ТАШАББУС

Мактаб, коллеж, лицейлар ўқувчилари иштирокида ёзги таътил кунларида «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида кўплаб маданий-маърифий тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

«Келажакнинг баркамол авлоди» шиори остида кунча уюштирилган тадбир ҳам шу туркумга киради.

Шаҳарча «Маънавият ва маърифат» маркази, Собир Раҳимов тумани халқ таълими бўлими, «Камолот» ЁИҲ томонидан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда ёшлар она Ватани, гўзалликни мадҳ этувчи шеърлар ёдлаштириш, кўшиқлар куйлашди. Тадбир доирасида бўлиб ўтган футбол, стол тенниси, шахмат-шашка, югуриш бўйича мусобақалар, «қувноқ эстафета» мurosасиз беллашувлар остида кечди. Барча сурвондорлар ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирланди.

СОҒЛОМ ТУРМУШ ЙЎЛИДА

Республика ОИТС марказида ўтказилган давра суҳбатида ОИТСга қарши кураш миллий дастури юзасидан амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди.

ОИТС, афсуски, ўтган асрдан мерос бўлиб, бугунги кунда бутун жаҳон халқларини ташвишга солаётган хасталиқдир. Бу ҳақда аниқ рақамлар билан фикр юритган шифокорлар аср вабосига чалинган беморларга кўмак беришнинг энг самарали усуллари юзасидан тажриба алмашишди.

Инсон табияти қизиқ. Ҳамма ОИТСнинг салбий жиҳатларини яхши билади, бу хасталикка йўлиқши фожиа эканлиги ҳам кундек равшан. Деярли ҳар кун и ё кунора телевидение ва радио эфирлари, матбуотда ҳам бу балои офатнинг зарари ҳақида мутахассислар чиқишлари бериб борилади. Шунга қарамай, нимагадир инсон айнан шу хасталикка асос бўлувчи айрим зарарли одатларини ташламайди. Натижа эса барчамизга маълум... Тадбирда ОИТСга қарши курашининг энг самарали йўли — бу соғлом турмуш кечириш, жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишдир дея алоҳида таъкидланди.

Тадбирда ушбу долзарб масалага бағишлаб ҳар бир маҳалла, ўқув муассасаси, қорхона ва ташкилотда мунтазам мавзуга оид тадбирлар ўтказиб туриш мақсадга мувофиқлиги қайд этилди.

ОНКОЛОГЛАР ФРАНЦИЯГА БОРАДИ

Саратон хасталигини даволаш онколог шифокорлардан катта маҳорат талаб этади.

Республика Онкология илмий марказида шифокорлар, франциялик шу соҳа мутахассислари иштирокида ўтказилган тадбир ошқозон-ичак ва кўкрак бези саратон касалигини даволашнинг замонавий усулларига бағишланди. Шифокорлар ушбу хасталикка чалиниши айнан беморнинг оқибатини оқибатда юз беришини таъкидлашди. Маълумки, тиббиётда касаликни даволагандан кўра унинг олдини олган афзал, деган наҳл кўп ишлатилади. Бу бежиз эмас, албатта Ҳар бир инсон ўз соғлиги ҳақида ўзи қайғурса, соғлом турмуш тарзи қоидаларига амал қилса, вақтида овқатланиб, вақтида дам олса, ҳар қандай хасталик уни четлаб ўтади.

Хорижлик мутахассислар Республика Онкология марказидаги замонавий тиббий технологиялар ва ускуналарнинг самарадорлик даражаси юқори эканлигини эътироф этишди. Саратон хасталикларини даволашда франциялик онкологлар томонидан амалга оширилаётган илмий тадқиқотлар мамлакатимиз шифокорларида катта қизиқиш уйғотди. Шундан келиб чиққан ҳолда марказнинг бир гуруҳ ёш олимларини яқин кунларда Францияга малака ошириш учун юбориш ҳақида келиши олинди.

Анвар ВАЛИЕВ

Тошкент матбаа-ноширлик касб-хунар коллежида 2010 йилда Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси томонидан берилган К № 1861428 рақамли иловасиз диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНДИ

Янги технологияларнинг жорий этилиши натижасида телекоммуникацияларнинг жадал суръатда ривожланиб бораётгани анъанавий телевизион кўрсатувлардан янги, янада сифатли бўлган ерусти рақамли эфир телекўрсатувларига ўтиш имкониятини яратди. Ўзбекистон МДХда биринчилардан бўлиб рақамли телевидениени жорий этмоқда.

РАҚАМЛИ ТЕЛЕВИДИЕНИЕ РИВОЖЛАНМОҚДА

«Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг муҳандислик-техник марказида мамлакатимиз ва хорижлик журналистлар учун ўтказилган брифингда бу ҳақда маълум қилинди, деб хабар беради «ЎзА». Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган тижорат қорхоналар вакиллари Ўзбекистонда рақамли телевидениенинг ҳозирги аҳволи ва ривожланиш истиқболлари ҳақида сўзлаб берди.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан Ўзбекистон Республикасида рақамли телевидениега ўтиш концепцияси ишлаб чиқилди. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳозир Тошкент ва Бухоро шаҳарларида ерусти рақамли телевидениенинг тажриба зонасини босқичма-босқич ташкил қилмоқда. Мамлакатимизда 2015 йилгача ерусти рақамли телевидениени жорий этишнинг частотали-худудий режаси тасдиқланди.

Радиоалоқа, радиоэшитириш ва телевидение марказининг техник директори Б.Обидовнинг айтишича, мамлакатимизда рақамли телевидениени жорий этиш борасидаги ишлар 2007 йилдан буён амалга ошириб келинмоқда. Ҳа йили «Inversion Technologies SA» (Швейцария) ва «Курт Миттерфельнер ГмбХ» (Германия) компаниялари иштирокида иккита лойиҳани рўйбга чиқариш бошланган эди. Ушбу компаниялар Ўзбекистонга Тошкент ва Бухорода ерусти рақамли телевидениесининг тажриба зонасини ташкил қилиш учун энг янги рақамли телекўрсатувчиларни узатиш ускуналарини етказиб берди.

2008 йилда Тошкент ва Бухоро шаҳарларида иккита узатиш аппарати фойдаланишга топширилди. Яқинда пойтахтимиздаги телеминорада яна битта рақамли ретранслятор монтаж қилинди ва ҳозир пойтахтимизда 25 канал трансляция қилинмоқда. Кейинчалик уларнинг сони 42 тага етади. Жорий йилда Тошкент ва Самарқанд учун яна учта узатиш аппарати етказиб берилади, бошқа вилоятлар марказлари учун эса тўртинчи узатиш аппарати бўйича тендер ўтказилади.

Ерусти рақамли эфир телевидениеси — бу кўп дастурли телевидение хизматларини тақдим этиш, теледастурлар сифати кўрсаткичларини яхшилаш, кўшимча интерфаол хизматларини кўрсатиш демакдир. Видеотасвирларни юқори даражада аниқлик билан узатиш имконияти пайдо бўлмоқда. Рақамли телекўрсатувлар мамлакатимиз частота ресурсларидан янада самарали фойдаланиш, битта анъанавий телеканал ўрнига бир қанча рақамли телеканалларни шакллантириш ва узатиш имконини беради.

Телевизор рақамли сигнални ишончли қабул қилиши учун Set-Top-Box (рақамли тюнер) керак бўлади. Шу сабабли мамлакатимиздаги «TelMax elektroniks» фирмаси MPEG-4 сиқши технологияси жорий қилинган, янги, юқори самарали Set-Top-Box ерусти рақамли приставкасини ишлаб чиқди. Абонентлар у орқали ерусти тармоқларида шифрланган ва бепул рақамли каналлардан фойдаланиши мумкин. Қулай меню каналларни тез кўздан кечириш ва таҳрир қилиш имконини беради.

Янгилик хорижда ишлаб чиқарилган шундай мосламалардан анча арзон туради. Айни пайтда беш мингта шундай приставка ишлаб чиқарилди. Талаб ортишига қараб, Навоий эркин индустриал-иқтисодий зонасида хорижий инвесторлар иштирокида лойиҳа бўйича 50-60 мингта тюнер ишлаб чиқариш қувватига эга қўшма қорхона ташкил қилиш кўзда тутилмоқда. Халқаро стандартларга жавоб берадиган уч турдаги Set-Top-Box тюнерлари ишлаб чиқариш режалаштирилган.

В.НИКОЛАЕВ



Ёшлар ахборот-коммуникация технологияларини катта қизиқиш билан ўзлаштириб бормоқда

Фарзандларимизнинг оромгоҳларда мароқли дам олиши учун тегишли идора ва ташкилотлар бир қанча ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидаларини бажариши лозим.

Жумладан, ёнғинга қарши сув ҳовузлари, ташқи-ички сув қувурлари соз ҳолда ва улар доимий равишда сув билан таъминланган бўлиши керак. Худуд доимо тозаланиб сақланиши ва тез ёнувчи чиқиндилар ҳамда қуриган ўтлардан мунтазам равишда тозаланиб турилиши лозим.

Оромгоҳ бирламчи ёнғин ўчириш воситалари билан таъминланиши ва улар соъ ҳолда бўлиши шарт.

Барча биноларнинг марказий электр ўчиргичлари бино ташқарида бўлиши лозим. Ётоқхоналарда ёнғин ёки фавқулодда ҳодисалар содир бўлганда, инсонлар моддий бойликларини қутқариш анжомлари билан жиҳозланган бўлиши керак.

Ёз мавсуми болалар иштирокидаги содир бўлиши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олишда ўзига хос масъулиятли давр ҳисобланади. Бу борада айниқса дам олиш масканларида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилиниши муҳим аҳамиятга эга.

01

ХАВФСИЗЛИК ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ҚИЛАЙЛИК

Ётоқхоналарнинг заҳира чиқиш йўллари, йўлақлари доимо очиқ бўлиши керак. Ушбу жойларда мебель ва бошқа ҳар қандай буюмларнинг сақланиши ҳамда чиқиш эшикларининг миҳлаб ёпиб қўйилиши қатъий ман этилади. Стол, ўриндик, тумбочка ва тўшақлар хонадаги чиқиш эшикларини тўсиб қўймайдиган қилиб ўрнатилиши лозим.

Болалар гулханини ёқиш махсус тайёрланган ва бинолардан 100 метр узоқликда жойлашган майдончаларда руҳсат этилади. Гулхан атрофи 1,4 метр кенгликда чопилиши ва 25 метр радиусда қуриган ўтлардан тозаланиши керак. Ушбу майдонча бирламчи ёнғин ўчириш воситалари билан таъминланган бўлиши лозим. Дарахтзорлар яқинида ҳамда шомоли об-ҳаво шароитида гулхан ёқиш

мумкин эмас. Байрам тугагандан сўнг гулханни сувга буктириб ўчириш ва тупроқ билан қўмиб ташлаш керак.

Худудда ёнғин хавфсизлиги қисмлари билан алоқа боғлаш учун телефон ёки бошқа алоқа воситалари билан таъминланиши лозим.

Мавсумнинг соз ўтиши, фарзандларимизнинг кўнглини ҳордиқ чиқариши ҳар бир маскан раҳбари, қолаверса, тарбиячи-мураббийларнинг ташкилотчилиги, амалдаги қоида талабларини тўла бажаришига ҳам боғлиқ эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Маҳамаджон МАНСУРОВ,
12-ХЕҲО смена бошлиғи, капитан

Машҳурлар ҳаётдан

КУНЛАРДАН БИР КУН

Хемингуэй Парижда ресторандан бирида коньяк ичиб ўтирарди. Бир маҳал ёнидаги барменни чақириб, қадаҳдаги ичимликни «Сиз ҳам бир хўплаган», дея узатади.

- Мен ичмайман! - кескин рад қилади бармен. - Статистика маълумотларига қараганда, ҳар йили спиртли ичимлик туфайли қариб бир миллион француз аҳалидан бурун ўлиб кетаркан.

- Мутлақо ташвишланманг, чунки мен америкаликман. * * * Хемингуэй жуда ашаддий овчи бўлган. Бир кун ову саргузаштларидан ҳуюқа қилаётганида, тингловичлардан бири ногоҳ сўраб қолади: - Мабодо одам қўлида ёниб турган машъала олиб юрса, биронта ҳам ҳайвон унга даф қилмайди, дейишадими. Шу га ростими? - Бу нарсга машъалани қандай тезликда олиб юришга боғлиқ, - дебди адиб.

Машҳур италян қўшиқчиси Энрико Карузо чек билан катта миқдорда пул олиши керак экан. Аммо банкка

келганда, ёнида ҳужжати йўқлиги маълум бўлади. Кассир унга пул беролмаслигини айтади. Шунда қўшиқчи «Тоска» операсидан бир арияни ҳамсала билан ижро этади. Банк ходимлари хайратдан лол қолади. Ҳижолат тортган кассир ҳам дарҳол пулни бериб юборади.

Кунлардан бир кун Бернад Шонни кўчада велосипедчи туртиб юборди. Хеч ким жабр қўрмайди. Тўнрашув айбодори хижолат чекиб, уэр сўраётганда, кекса драматург унинг сўзини бўлиб, шундай дейди: - Омадингиз чопади-да. Сал жиддийроқ туртганингизда эди, менинг қотилим сифатида тарихда қолардингиз.

Файласуф Сукрот бир бой билан ҳамроҳ бўлиб сафарга чиқибди. Ногоҳ улар қароқчиларга йўлиқиб қолишди.

- Эй воҳ, мабодо улар мени таниб қолишса, шўрим қурийдик-ку! - дебди бой кўрқиб-қалтираб. - Эй воҳ, улар мени танишмасам нима қиламан? - дермиш Сукрот.

Бир зиёфатда жаҳонга машҳур актриса Софи Лорен банк қўраиинининг хотини билан танишиб қолади. - Ниҳоятда гўзал, келишган аёл экансиз. Бемалол кинода роль ўйнасангиз ҳам бўлар экан. - Мен Софи Лоренман-да... - Нима бўпти! Исмий шарифингизни ўзгартирасиз-қўйсиз!

-«Рус авиациясининг отаси» ҳисобланмиш Жуковский жуда парижонхотир одам бўлган. Бир оқшом ўз уйида меҳмонлар билан узок гурунлашган, ногоҳ ўрнидан туриб, шоша-пиша жўна бошлади. - Ие, йўл бўлсин? - деб сўрашди меҳмонлар ҳайрат билан. - Кечирасиз, жаноблар, анча ўтириб қолибман, энди уйга бормасам бўлмайди. * * *

Машҳур италян композитори Россинига ҳайкал ўрнатмоқчи бўлишганда, у эндигина ўлтиз ёшда эди. - Ёдрорлик қанчага тушаркан? - деб сўрайди композитор шаҳар маъмурияти вакилидан.

- Уч юз минг лира. - Вой-буй, уч юз минг лира? - ҳайрат билан хитоб қилади Россини. - Уша пулни ўзимга бера қолинглар. Бунинг авазига Римнинг қоқ марказий кўчасида кунига бир неча соат типпа-тик туриб берман.

Шодмон ОТАБЕК тайёрлаган

Тошкент вилоятининг тоғолди худудларида жойлашган болалар оромгоҳлари бу йилги мавсумда ҳам анча гавжум. Чор тарафи мевали ва манзарали дарактлар билан ўралган соя-салқин худудларда барпо этилган дам олиш масканлари кичикинтойларнинг беғубор, шодон ўйин-кулгуларидан файзга тўлмоқда.

Дам олиш оромгоҳларининг деярли ҳар бирида кўплаб тадбирлар уюштириладигани қувонарлидир. Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси томонидан ўтказилаётган муҳофаза тадбирлари ҳам алоҳида ўрин тутди, албатта. Болалар оромгоҳларида рўй бериши эҳтимоли бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш мақсадида ҳар бирида фуқаро муҳофазаси кунлари ташкил этилиши баробарида «Ёш қутқарувчи» спорт мусобақаларини ўтказиб туриш ани-

Ёз — ўтмоқда соз

ОРОМГОҲДА «ЁШ ҚУТҚАРУВЧИЛАР»

анага айланган. Шу кунларда бошқарма хизматчилари ва қутқарувчи-ҳалоскорлари болалар хузурида бўлиб, кўргазмали чиқишлар намойиш этибгина қолмай, услубий-амалий машғулотларни ҳам ўтказмоқда.

Яқинда Бўстонлик туманидаги «Автомобилчи» дам олиш оромгоҳида «Ёш қутқарувчилар» спорт мусобақаси ташкил этилди. Бошқарма бошлиғи ўринбосари, майор Раҳмуддин Нуралиев ўтказиладиган мусобақанинг мақсади моҳияти ҳақида маълумот бергач, турнирга старт берилди.

«Автомобилчи» болалар дам олиш оромгоҳида тарбияланаётган ёшлар таркибидан ташкил

Аксарият мактаб ўқувчилари ёзги таътилда республикамизнинг салқин, баҳаво оромгоҳлари ва дам олиш масканларида ҳордиқ чиқармоқда.

топган «Бургут» ҳамда «Лочин» жамоалари мусобақа жараёнида сайрга чиқиш пайтида гўё шикастланиб қолганларга тез тиббий ёрдам кўрсатиш ва жабрланганларни зудлик билан замбил ёрдамида манзилга етказиш, газникони кўллаш, тез югуриш, арқон тортиш, баскетбол тўпидан моҳирона фойдаланиш усулларига оид бир қатор муҳофаза машқларини аъло даражада бажаришди. Ҳакамлар ҳайъати томонидан «Лочин» жамоаси ғолиб деб

топилди. Мусобақа якунида бошқарма қидирув-қутқарув асбоблари кўргазмаси ҳам ўтказилди. — Оромгоҳимизда 365 нафар болажоннинг кўнгилли дам олиши учун барча шароитлар яратилган, — дейди оромгоҳ раҳбари Раъно Тешабоева. — Фурсатдан фойдаланиб, муҳофаза сабоқларини ўзлаштиришда яқиндан ёрдам берган Фавқулодда вазиятлар бошқармаси раҳбариятига миннатдорчилик билдираемиз. **Азамат СУЙОНОВ**



Болаликнинг бахтиёр палласи

САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Мирзо Улуғбек туман халқ таълими бўлими тасарруфидидаги «Юзрабод» болалар спорт мажмуаси айни кунда ўсмир ёшлар ва болажонлар билан гавжум.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида барпо этилган мазкур мажмуада 2009-2010 ўқув йилида болаларни спортга жалб қилиш, уларнинг бўш вақтини унумли ўтказиш мақсадида тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. — дейди мажмуа директори Баҳодир Ибрагимов. — Мажмуада теннис, каратэ, кикбоксинг, футбол, кураш, самбо, дзюдо, сузши бўйича тўғарақлар фаолият олиб боради. Шахмат-шашка, стол теннис, самбо, дзюдо, гимнастрада, жит-кундо бўйича мусобақалар ўтказиб келинаётган. Машғулотларимизга 6-17 ёшгача бўлган 570 та болажон қатнайд.

Президентимиз раҳнамолигида болалар спортини ривожлантириш, ёш авлодни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш йўлида амалга ошириладиган ишлар юксак самара бераётган. Ёшларнинг спорт билан шуғулланиши учун барча шароитлар яратилаётганлиги, замонавий спорт мажмуаларининг қад ростлаётганлиги ҳам бунга яққол далилдир.

Жорий йилда «Юзрабод» спорт мажмуасида ёш сузши ҳавзасининг барпо этилганлиги Баркамол авлод йилида фарзан-дларимиз учун яна бир қувончли ва хайрли иш бўлди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан бунёд этилган мазкур сув ҳавзасининг узунлиги 18 метр, чуқурлиги эса 1,5-1,85 метрдан иборат бўлиб, кийиниш,

ечиниш ва дам олиш хоналари мавжуд. Шинам ва ёруғ сув ҳавзасида айни кунда 35, 308, 223 ва 222-мактаблар қошидаги болалар оромгоҳлари дам олувчилари мазза қилиб яйраб сузшимоқда. Шунингдек, ушбу худуд атрофидаги маҳалла болалари ҳам ёзнинг иссиқ кунларида сув ҳавзасига мунтазам қатнамоқда.

Дилором ИКРОМОВА

Футбол янгиликлари

«БУНЁДКОР» САФИДА ЯНГИ ЎЙИНЧИЛАР

Бундан бир-икки йил аввал Ўз сафига Ривалдо, Денильсон, Рамос сингари жаҳон миқёсидаги футболчиларни жалб этиб, футбол оламида ўзига хос шов-шувларга сабабчи бўлган «Бунёдкор» жамоаси энди ўз таркибидаги тажрибали чарм тўп усталарини дунёнинг таниқли клубларига ижарага бериб, яна кўпчиликти ҳайратга солмоқда.

Яқиндагина хабар берганимиздек, Сервер Жепаров Жанубий Кореянинг «Сеул» клубида, Жасур Хасанов Қатарнинг «Лакоя»да, Мурод Зухуров, Шавкат Саломов «Насаф» жамоасида тўп суради-ган бўлди. Янги хабарларга кўра, Шавкат Раимқулов «Шўртан» шарафини ҳимоя қилади. Хайрулла Каримов ва Анвар Солиевлар ҳам «Насаф»га жалб этилганлигини мухлислар билади, албатта.

Бундан бир-икки йил аввал бошқа жамоаларга ижарага бериб юборилган Азиз Фуломхўжаев, Дониёр Хасанов, Янис Мандзукас, Анвар Ражабов ҳамда моҳир ҳимоячи Гочкули Гочкулиев яна «Бунёдкор» сафига қайтишди. Дарвоқе, «Бунёдкор» мураббийлари сафига тажрибали мутахас-

сис Амет Мемет келиб қўшилди. Энди у бош мураббийнинг ёрдами-чи вазифасида фаолият олиб боради.

ЭЪТИБОР ЁШЛАРГА ҚАРАТИЛЯПТИ

Мамлакатимизнинг етакчи жамоаларидан бири «Пахтакор»да ҳам иккинчи давра бошланиши арафасида жиддий ўзгаришлар рўй берди.

Сербиялик Милорад Януш Эроннинг «Сепакон» клубига, тожикистонлик Акмал Холматов Эроннинг «Пас» командасига ўтиб кетган бўлса, яқиндагина Хитойдан келган Клецов яна Хитойнинг «Жиангсу» жамоасига ижарага берилди. Шунингдек, Асқар Жадигеров ҳам энди Хитой чемпио-натида «Нанчик Байи» командаси шарафини ҳимоя қилади.

Жамоадан кетганлар ўрни иқтидорли ёшлар Акмал Холмуродов, Акбар Исмаилов, Егор Кримецлар ҳисобига тўлдирилган бўлса, бошқа жамоаларга ижарага бериб юборилган Дилшод Шарофутдинов, Рўзимбой Аҳмедов ва Фарҳод Тожиев яна «Пахтакор» сафига келиб қўшилишди. «Динамо — Ҳамкор» клубидан 18 ёшли Акмал Тўхтаев ҳамда сербиялик легионер Предраг Вучович ҳам энди «Пахтакор» сафига ҳаракат қилишади.

Бу ўзига хос ўзгаришлар «Пахтакор» ўйини ижобий таъсир этадими ёки йўқми, бунинг вақт кўрсатади.

Акбар ЙҮЛДОШЕВ

Ажойиботлар оламида

ҲАЙВОНЛАР ҚАНЧА УХЛАШНИ БИЛАСИЗМИ?

- Бўрининг кўзи навбат билан дам олади. Биттаси юмилса, бошқаси соқчилик қилади.
- Гориллалар бирданга 13 соат ухлар экан.
- Филлар ўртача ҳисобда 5 соат мизғийди.
- Йўлбарс қорни тўйгач, бир кеча-кундузда 24 соат ухлар экан.
- Буни қарангки, энг кам ухлайдиган от бўлиб, у 3 соатгина ухлар экан.
- Ит 10 соат ухласа, мушук бир кунда 12 соат ором олади.
- Сичқоннинг серҳаракат бўлгани учун 13 соат ухлаши кузатилади.
- Жирафа ҳайвонлар ичида энг эҳтиёткорлардан бўлиб, атиги 2 соат ухлаши аниқланган.

ХОҲ ИШОНИНГ, ХОҲ ИШОНМАНГ

- Олимпларнинг узок йиллар синчковлик билан кузатишига кўра, жайранинг танасида 30.000 та игнаси бор экан.
- Ажабо, фил хартуми 40.000 та халқали мушуқлардан ташкил топган экан.
- Африка кобраси захрини 3,5 метр масофагача соча олади.
- Қушлар орасида энг катта ин бургутники экан.
- Жирафанинг тили атиги 60 сантиметрли ташкил этади.
- Шилликкурт хатто ўткир устара тигидан юрса ҳам, ҳеч қаери кесилмас экан.
- Амазонкадаги «электр илонбалик»нинг 650 вольтлик қувватга

эгаллиги аниқланган.

• Дунё қушлари ичида колибри юраги дақиқасига 1200 марта, ухлаганда эса 50 марта урадиган энг серҳаракат қуш экан.

• Буни қарангки, совуққа энг чидамли ҳайвонлар ғоз ва мушук бўлиб, улар 110 даража-ли совуқни ҳам писанд қилмас экан.

• Бразилияда учрайдиган ялтироқ кўнғизлар ўзидан қучли нур таратиш хусусиятига эга бўлиб, унинг ёруғида бемалол газета ўқиса бўларкан. 5 та ялтироқ кўнғиз бир хонани бемалол ёритиши мумкин экан.

• Юқумли касалликлар профессори Т.Нажмиддинов маълумотида кўра, бир жуфт пашша апрель ойидан сентябрь охиригача 5898720 та насл қолдириши мумкин экан. Минг жуфт пашша бўлса-чи?..

Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ тайёрлади

Алишер Навоий номли Ўзбекистон Миллий кутубхонаси «Ёшлар ахборот-ресурс маркази»нинг ўқув залида янги адабиётлар кўргазмаси очилди.

АДАБИЁТЛАР КЎРGAЗMASИ

Кўргазмада Ўзбекистон тарихи, психология, санъат ва бошқа бир қанча фанларга оид рус ва ўзбек тилидаги юздан зиёд китоблар намойиш этилаётган.

— Булар энг сара ва ноёб китоблар, — дейди «Туркистон-пресс» мухбирига китобхонларга хизмат кўрсатиш бўлими мудири Умида Тешабоева. — Кўргазма доирасида олий ўқув юртли абитуриентлари учун ҳам китоблар қўйилган бўлиб, уларнинг адабиёт излашдаги вақт сарфини анча қисқартирди, деб ўйлаймиз.

Кўргазмага қўйилган адабиётларнинг аксарияти бадий, илмий китоблар, турли тиллардаги луғатлардир.

Барбар Бренднинг «Издательство ФАИР» нашриётида чоп этилган Исломо санъатига бағишланган китоби ноёб адабиёт бўлиб, унда ислом маданиятининг санъатда тутган роли кўрсатиб берилган. Р. Немов ва И. Алтунинанинг «Ижтимоий психология»си, Шефиз Джон томонидан Жалолддин Румий ҳақида ёзилган

китоблари борки, унда Румийнинг ҳаёти, шахсияти ва фикрлари жой олганлиги билан ҳам қимматли адабиётлар қаторига киради.

Кўргазмада ўзбек адабларининг кейинги йилларда чоп этилган асарларидан намуналар ҳам қўйилган. Неъмат Аминовнинг «Табассус заргари», Носир Фозиловнинг «Эсласанг, кўнглинг ёришур», Жовли Хушбоқнинг «Тақдир ғаройиботлари» асарлари шулар жумласидан. Шунингдек, Гулчехра Жўраеванинг «Сени соғинаман ҳаёт», Минҳожиддин Мирзонинг «Юлдузим», Шуҳратнинг «Бемалол яшасанг бўлади» каби шеърли тўпламлари ҳам ўрин олган.

— Янги адабиётлар кўргазмаси ташкил этилганини эшитиб келдим. Менга Ўзбекистон Республикаси кодекслари тўпламлари керак эди. Уларнинг кўргазмага қўйилганидан хурсандман, — деди китобхонлардан Алёр Аҳмедов. — Кўргазма баҳона электрон каталогдан китобга буюртма бериш бўйича зарур маслаҳат ҳам олдим. **Раҳсона ТОШПҮЛОВА**

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълолар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 276 нускада босилади. Қоғоз ёнғини А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақланади.

«Шерк» нашрийт-матбуот акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

123



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар кўчаси, 32